# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • http://xs.uz • E-mail: Info@xs.uz • 2013 йил 19 декабрь, № 248 (5922) Пайшанба


# ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИК ТАРМОҚЛАР

## мамлакатимиз иқтисодиёти ривожида салмоқли ўрин тутади

*Бугун Ўзбекистон ҳақида гап кетганда, у саноати жадал ривожланаётган давлатлар қаторида эътироф этилади. Сабаби, мамлакатимизда бу соҳанинг юқори технологияли тармоқлари тобора тараққий этиб, унинг рақобатбардошлиги ошиб бораяпти. Жабҳада юз бераётган жиддий таркибий ва сифат ўзгаришларини биргина мисолда, яъни ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда унинг улуши муттасил ошиб бораётганида яққол кўриш мумкин. Гап шундаки, 1990 йилда республикамиз ялпи ички маҳсулоти таркибида саноатнинг ҳиссаси атиги 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич 24,3 фоизга етди.*

ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН



Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида алоҳида таъкидлаганидек, “бугун бир фикрни ҳеч иккиланмасдан, тўла ишонч билан айтишимиз мумкин: Ўзбекистон тарихан қисқа муддатда иқтисодиёти бир ёқлама ривожланган, асосан, пахта хом ашёси етказиб беришга мослашган, пахта яккаҳокимлиги ҳалокатли тус олган қолоқ республикадан тез суръатлар билан ўсиб бораётган замонавий саноат тармоғига эга бўлган, жадал тараққий этаётган мамлакатга айланди”.

Дарҳақиқат, юртимизда саноатнинг барча тармоқлари барқарор ривожланмоқда. Шу жумладан, улар орасида енгил саноат соҳаси алоҳида мавқе ва нуфузга эга. Айни пайтда бу йўналишда фаолият кўрсатаётган корхоналар умумий сони 2 минг 200 дан ошиб, уларнинг аксариятида тайёрланаётган эркаклар ҳамда аёллар либослари, болалар ва спорт кийимларининг асосий қисми экспортга чиқарилаяпти.

Енгил саноат равнақида, шубҳасиз, давлатимиз раҳбари томонидан 2010 йил 15 декабрда имзоланган “2011 — 2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарор янги даврни бошлаб берди. Боиси, ушбу ҳужжат истиқболли лойиҳаларни рўёбга чиқариш орқали маҳсулот ҳажмини кескин ошириш, экспортда тайёр ва яримтайёр тўқимачилик маҳсулотларининг улушини кўпайтиришда муҳим дастуриламал бўлаётир. Қуйидаги рақамлар буни яна бир карра тасдиқлайди. Эътибор қилинг, ўтган асрнинг 90-йилларида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган толанинг 7 фоизи ўзимизда қайта ишланган бўлса, ҳозирги кунда бу кўрсаткич 40 фоизни ташкил этаяпти.

“Ўзбекенгилсаноат” давлат-акциядорлик компанияси тизимига қарашли масъулияти чекланган жамият шаклидаги “Arge Fashion” хорижий корхонаси йирик ишлаб чиқариш қувватларидан бири ҳисобланади. Пойтахт вилоятининг Қибрай туманида жойлашган ушбу корхона 2006 йилда иш бошлаган бўлиб, бу ерда тизимли ишлаб чиқариш жорий этилган.

Гап шундаки, Германия ва Япония каби хорижий давлатларнинг юқори унумли дастгоҳлари билан жиҳозланган цехларда трикотаж мато тўқилиб, ундан шу ернинг ўзида турли-туман кийим-кечаклар тикилади. Уларнинг сифати юқорилиги боис ташқи бозорда талаб ниҳоятда катта. 2013 йилнинг январь — ноябрь ойларида қарийб 1 миллион 900 минг АҚШ долларилик маҳсулотлар чет эллик харидорларга етказиб берилгани, бу борадаги ўсиш суръати 65,6 фоизни ташкил қилгани шундай дейишимизга асос бўлади.

— Рақобат кучайган ҳозирги шароитда мижозлар дидига мос маҳсулот тайёрлаш осон эмас, — дейди мазкур жамият дизайнери Лола Раҳмонова. — Шу боис замонавий дизайнлар асосида либослар моделларини мунтазам янгилаб борамиз.

(Давоми 2-бетда).

# хабарлар

Янгиликлар, воқеалар,

■ *Навоий шаҳридаги “Қизилқумцемент” очиқ акциядорлик жамияти жамоаси ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни татбиқ этиш орқали янги турдаги маҳсулотлар тайёрлашга эришмоқда.*

## Инновацион лойиҳалар

Хусусан, айни пайтда бу ерда цемент, полипропилен қоп, ўтга чидамли ғишт каби бир қатор қурилишбоп материаллар ишлаб чиқарилаяпти. Шу билан бирга, корхонада кунига 9,5 минг донагача шифер тайёрланиб, буюртмачиларга етказиб берилаётир.

Яқинда “Қизилқумцемент”да амалга оширилган модернизация тадбирлари туфайли асбестцемент цехи ҳам ишга туширилди. Пировардида 151 қўшимча иш ўрни яратилди.

Яна бир эътиборли жиҳати, жамият қошида бунёд этилган 5 та иссиқхонада етиштирилаётган лимон, бодринг, помидор ва зираворлар айни қиш палласида корхона ишчилари дастурхонига файз киритмоқда.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

■ *Қарши шаҳридаги “Ибрат Сифат Текст” масъулияти чекланган жамиятида бизнес режа асосида технологик янгиланишлар учун 225 минг АҚШ доллари йўналтирилди.*

## Сармоя йўналтирилди

Ҳозир корхонада замонавий тикув ва тўқув дастгоҳлари ёрдамида катталар ва болалар учун 15 турдаги кийим-кечак тайёрланаяпти.

— Янги лойиҳа туфайли йилига қарийб 40 минг дона тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлдик, — дейди жамият раҳбари Қаюм Эгамбердиев. — Бундан ташқари, 15 та қўшимча иш ўрни ҳам яратилди.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

■ *Хоразм вилоятида қиш ва баҳор ойларида аҳолининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабини қондириш мақсадида шу кунгача 7 минг тонна сиғимга эга замонавий совутқичли омборхоналар қурилди.*

## Қиш дастурхонига туҳфа

Хусусан, яқинда Урганч туманидаги “Ўзулгуржисавдо” уюшмасига қарашли “Озиқ-овқат моллари” масъулияти чекланган жамиятида яна бир шундай музлаткич ишга туширилди. Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 1 миллиард сўм сарфланди. Омборхонага ҳозиргача тумандаги деҳқон ва фермер хўжаликларидан шартнома асосида харид қилинган 699 тонна картошка, 770 тонна сабзавот, 80 тонна мева, 80 тонна полиз маҳсулотлари қабул қилиб олинди.

— Янги йилгача Урганч шаҳридаги 10 та маҳаллада, аҳоли гавжум жойларда қишлоқ хўжалик маҳсулоти савдосини ташкил этишни режалаштираяпмиз, — дейди корхона раҳбари Рустам Ражабов.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

■ *Гулистон шаҳрида Сирдарё вилояти ҳокимлиги ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида “Бизнес ғоя — 2013” кўрик-танлови ташкил этилди.*

## «Бизнес ғоя — 2013»

Тадбирда иштирокчиларнинг 738 та лойиҳаси кўриб чиқилди. Уларнинг аксарияти Сирдарё вилояти ишбилармонларига тегишли бўлса, 68 таси республикамизнинг турли вилоятлари вакиллари томонидан тайёрланган бизнес ишланмалардир. Эътиборлиси, ушбу анъанавий кўрик-танловга хорижлик тадбиркорлар томонидан ҳам 6 та истиқболли лойиҳа тақдим этилди.

— Мазкур тадбир биз, ёшларнинг янги-янги инновацион ғоялар асосида истиқболли лойиҳалар яратишимизда муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди Гулистон давлат университети талабаси Илёс Ҳасанов. — Унда мих ишлаб чиқариш бўйича тайёрлаган ишланмам билан қатнашдим.

Якунда “Энг яхши инновацион лойиҳа”, “Энг яхши инвестицион лойиҳа”, “Энг яхши тадбиркорликни ривожлантирувчи ғоя”, “Энг яхши қишлоқ хўжалиги бўйича ғоя”, “Энг яхши хизмат кўрсатиш бўйича ғоя” номинациялари ғолиблари аниқланиб, улар қимматбаҳо совға ва дипломлар билан тақдирланди.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ДАВРА СУҲБАТИ

*Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда суд-ҳуқуқислоҳотлари жараёнида тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш масалаларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.*
*Унда Олий хўжалик суди ва Самарқанд вилояти хўжалик суди судьялари, адлия, солиқ, божхона, Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармалари вакиллари, хорижлик экспертлар ҳамда тадбиркорлар иштирок этди.*

# МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТ

Тадбирда юртимизда мустақиллик йилларида бозор иқтисодиётининг асоси ҳисобланган хусусий мулк устуворлигини мустаҳкамлайдиган барқарор қонунчилик базаси шакллантирилиб, замон билан ҳамнафас такомиллаштирилаётгани ҳамда иқтисодиётни эркинлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича қулай ишбилармонлик муҳити яратилгани таъкидланди.

— Соҳа қонунчилигида тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, мавжуд тўсиқларни бартараф этиш, тадбиркорлик фаолиятига давлат ва назорат идоралари асоссиз равишда аралашувларини чеклаш, рухсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш ҳамда лицензия талаб этадиган фаолият турларини кескин камайтиришга қаратилган кўплаб нормалар кўзда тутилган бўлиб, бу амалда ўз самарасини бермоқда, — дейди Олий хўжалик суди раиси ўринбосари Шуҳрат Саидов. — Президентимизнинг 2012 йил 18 июлдаги “Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони бу борадаги ишларни бир поғона юқори кўтарди. Ҳозирги пайтда шу ҳужжат талабларидан келиб чиқиб, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қулай шарт-шароит яратиш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Масалан, назорат қилувчи органлар ва тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни электрон шаклларда бажариш амалиётга татбиқ этилди.

(Давоми 2-бетда).

# «LexUz»нинг янги тизими

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси — “LexUz”нинг янгиланган кўриниши ишга туширилди.*

АНЖУМАН

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ўтказилган анжуманда “LexUz” тизимининг янги дизайни ва имкониятлари, жорий йилда ушбу йўналишда амалга оширилган янгиланишлар хусусида атрофлича сўз юритилди.

Тадбирда қайд этилганидек, Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасидан кенг фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, 2010 йил 1 январдан Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси — “LexUz”дан барчанинг бепул фойдаланиши жорий этилди.

(Давоми 3-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА

*Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида кўплаб соҳалар қаторида илм-фанимиз ҳам қаддини тиклади, янгиланишга юз тутди. Хусусан, Ўзбекистон Фанлар академиясининг олимлари ўтган вақт мобайнида мустақил Ватанимизнинг илмий-иқтисодий, илмий-техник, маданий, маънавий-маърифий тараққиёти йўлида кенг кўламли илмий изланишлар олиб борди ва бутун эътибор ана шу эзгу мақсадга йўналтирилди.*

# ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ АСОСИ

Республикамизда илм-фанни ривожлантириш, истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш борасида бекиёс ислоҳотлар ҳаётга татбиқ этилди. Зарур ҳуқуқий асослар яратилди, фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш, инновацион лойиҳалар, технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш йўлида муҳим дастурлар қабул қилинди.

Ана шуларга мувофиқ, илмий муассасаларнинг моддий-техник базаси изчил мустаҳкамланиб, тадқиқотлар қўллаб-қувватланмоқда, ёш истеъдодлар муносиб рағбатлантирилмоқда. Қолаверса, қатор янги йирик институтлар ташкил этилди. Юзга яқин долзарб йўналишлар шакллантирилиб, улар юзасидан изланишлар олиб боришга фаол киришилди. Йил сайин илмий-техник ва инновацион ишланмалар кўпайиб, нафақат Ўзбекистон, балки АҚШ, Германия, Франция, Россия ва бошқа мамлакатларда ҳам уларга талаб ортиб боришига эришилди.

Айни пайтда Фанлар академияси мамлакатимиз илм-фанининг негизини ташкил этади. У ўз таркибида 32 илмий тадқиқот муассасаси, жумладан, 23 йирик институт, илмий марказ, тўртта музей, Қорақалпоғистон Республикаси минтақавий бўлими, Хоразм Маъмун академиясини бирлаштиради. Мустақиллик йилларида Фанлар академиясининг кадрлар таркиби ҳам тубдан янгиланиб, мамлакатимиз замонавий илм-фанини ифода этадиган иқтидорли ёш тадқиқотчилар билан кенгайди. Бугунги кунда Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолари сони — 80 нафар. Беш мингдан зиёд ходим фаолият юритаяпти. Уларнинг 370 нафари фан доктори ва 900 нафари фан номзодидир. Шунингдек, олимларимиз мамлакатимиз учун энг долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммолар бўйича муҳим фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар олиб бормоқда, эришилган натижаларни, жумладан, самарали технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этишда қатнашмоқда.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

**Жорий йил мобайнида мамлакатимиз бўйича бюджет маблағлари ҳисобидан**

**146** **та замонавий тиббиёт муассасаси фойдаланишга топширилди.**

Халқимиз саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш ва самарасини ошириш, профилактика ишларини кучайтириш борасида бажарилган бу улкан ишлар соҳага диагностика ҳамда даволашнинг мутлақо янги услубларини, энг замонавий технология ва техникани жорий этиш имконини берди.

# Қишлоқ мулкдорларига — имтиёзли кредитлар

*Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ташаббуси билан банклар томонидан фермер хўжаликларига кўрсатилаётган кредит ва лизинг хизматларини модернизация қилиш масалалари ҳамда истиқболли режаларга бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.*

Таъкидланганидек, бугунги кунда мамлакатимизда иқтисодиётнинг бошқа соҳалари қаторида аграр тармоқ ҳам жадал ривожланмоқда. Соҳа вакилларининг сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш, аҳолини иш билан таъминлаш борасидаги ташаббусларини қўллаб-қувватлашда эса тижорат банклари ўз хизмат ва маблағлари билан муносиб ҳисса қўшаяпти. Кейинги йилларда фермер хўжаликларига қулайлик яратиш мақсадида қишлоқ туманларида молия муассасаларининг 2160 та минибанки фаолияти йўлга қўйилгани, кредит ажратиш жараёнида талаб қилинадиган ҳужжатларнинг соддалаштирилгани, лизингга техника ва ускуналар бериш механизми такомиллаштирилгани бунинг яққол тасдиғидир. Натижада жорий йилда банклар томонидан чорвачилик йўналишига 224,5 миллиард сўм, балиқчилик ва асаларичиликка 22,4 миллиард сўм миқдорида маблағлар йўналтирилди. Шунингдек, қишлоқ мулкдорларининг мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишловчи минитехнология ва асбоб-ускуналарни харид қилиш, иссиқхона ва паррандачилик фермаларини ташкил этишга доир кўплаб лойиҳалари молиялаштирилди.

Деҳқон ва фермер хўжаликларининг банк хизматларидан фойдаланиш имкониятлари ҳақида гап кетганда, тақдим этилаётган имтиёзли кредитларга ҳам алоҳида тўхталиш жоиз. Чунки айни пайтда тижорат банклари амалдаги тартибга мувофиқ, уларга энг кам иш ҳақининг минг баробари миқдорида микрокредитлар ажратмоқда. Қолаверса, молия муассасаларининг Имтиёзли кредитлаш жамғармаси ҳажмининг изчил ўсиб бораётгани узоқ ва бориш қийин бўлган туманлар, шунингдек, меҳнат ресурслари зич бўлган аҳоли масканларидаги ишлаб чиқариш микрофирмаларини, деҳқон ва фермер хўжаликларини молиялаштириш учун 5 йил муддатгача йиллик 6 фоиз устама билан энг кам иш ҳақининг икки минг бараваригача кредит ажратиш имконини бераётгани ҳам эътиборга моликдир.

Иқтисодиётимизда банк тизимининг аҳамияти ортиб бориши, ўз навбатида, фермерларнинг молия муассасалари хизматларига бўлган талабини ҳам оширмоқда. Ана шундай хизмат турларидан бири — лизингнинг афзаллик жиҳати шундаки, бунда фермер, аввало, лизинг объектини ишлаб чиқариш жараёнига сафарбар этади, иккинчидан, қишлоқ мулкдори айланма маблағни сақлаган ҳолда, замонавий техникага эга бўлади. Буларнинг бари пировардида фермер хўжаликлари имкониятларини кенгайтириш ва уларнинг юқори самарадорликка эришишида айни муддаодир.

Тадбир давомида журналистлар ўзларининг ушбу йўналишдаги барча саволларига Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши, Марказий банк, тижорат банклари ҳамда лизинг компаниялари мутасаддиларидан батафсил жавоб олдилар.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бунинг учун эса, энг аввало, бозор талаби, харидорлар хоҳиш-истаги ўрганилади, буюртмачилар талаби ҳам эътибордан четда қолмайди. Шулар асосида изланиб, янгилик қилишга ҳаракат қиламиз. Зарурат туғилса, анъанавийлик ва замонавийлик уйғунлашган намуналар ҳам яратилади. Кейинги пайтда буюртмачиларга ана шундай услубдаги либослар маъқул тушмоқда. Бу жараёнда Германиянинг “Gerber” компаниясининг энг замонавий дастгоҳларидан фойдаланилаётгани янги моделлар қолипини компьютер ёрдамида тайёрлаб, ишлаб чиқаришга тез жорий этиш имконини бераяпти.

Бироқ дунё иқтисодиётида глобал инқироз таъсири ҳамон сақланиб турган ҳозирги пайтда жаҳон бозорида мустаҳкам ўрин эгаллаш ўта мушкул. Кейинги йилларда талабнинг пасайиши оқибатида айрим давлатларда маҳсулот тайёрлаш ҳажми кескин тушиб кетгани ҳеч кимга сир эмас. Шундай мураккаб шароитда мамлакатимизда экспортчи корхоналар фаолияти ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, уларга имтиёзлар берилаётгани туфайли талафотларнинг олди олинмоқда. Ишлаб чиқариш ҳажми муттасил ўсиб, ўзбек либосларининг рақобатбардошлиги таъминланаяпти. “Arge Fashion” МЧЖда жорий йилнинг 11 ойида 8 миллиард 394 миллион 550 минг сўмлик маҳсулотлар тайёрлангани бунга мисол бўла олади.



# ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИК ТАРМОҚЛАР

## мамлакатимиз иқтисодиёти ривожида салмоқли ўрин тутади

Бугунги кунда корхонада 2000 дан ортиқ моделдаги эркаклар, аёллар ва болаларнинг мавсумий либослари, спорт кийимлари ишлаб чиқарилмоқда. Уларнинг табиий матодан тикилаётгани, сифат кўрсаткичларининг юқорилиги харидорларга манзур бўлмоқда.

Аслида, енгил саноатчиларимиз маҳсулотларига хорижда талаб ҳар доим юқори бўлган. Буни соҳа мутахассислари ўзбек пахта толасидан тайёрланган халқ истеъмоли молларининг рақобатбардошлиги билан изоҳлашади.

— 25 йиллик меҳнат фаолиятимга таяниб, айтишим мумкинки, тикувчиликда энг устувор вазифа, бу — сифат, — дейди корхонанинг тикувчилик цехи бошлиғи Муҳтабар Музаффарова. — Бунинг учун чеварлар ўз ишига масъулият билан ёндашиши, либос тикиш чоғида ип ва игнадан тўғри фойдалана олиши зарур. Йўқса, маҳсулот сифатига путур етади. Бизнинг корхонамизда “Устоз — шогирд” анъанаси тўғри йўлга қўйилгани моҳир тикувчилар шаклланишида қўл келаяпти. Натижада қисқа давр ичида мураккаб бичимдаги либослар тайёрлаш тўлиқ ўзлаштирилди.

Ҳозирги кунда эса жамиятда 400 га яқин киши меҳнат қилмоқда. Уларнинг аксариятини касб-ҳунар коллежларини битирган йигит-қизлар ташкил этади. Бу ерда ёшларнинг ўзлари меҳр қўйган касбни пухта эгаллашлари учун қулай шарт-шароит яратиб берилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

— Шу йил Байтқўрғон иқтисодиёт коллежининг тикувчилик, трикотаж мато ишлаб чиқариш йўналишини тамомлаб, иш бошладим, — дейди тикувчи Гулнора Исматуллаева. — Амалиётни шу корхонада ўтаганим туфайли замонавий тикув машинасида ишлашни тезда ўрганиб олдим. Ҳозир кунига 700 тагача либосни қўлдан чиқараяпман. Маошим ҳам кўнгилдагидек. Оиламга, жамиятимизга нафим тегаётганидан хурсандман.

“Arge Fashion” МЧЖда халқаро стандартларга тўла мос келадиган сифат менежменти жорий қилингани муваффақиятларнинг яна бир омили бўлмоқда. Натижада унинг маҳсулотларига талаб ортиб, асосий қисми “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” ёрлиғи билан хорижлик буюртмачиларга жўнатилмоқда.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда пухта ўйланган ва изчил амалга оширилаётган ислоҳотларнинг юксак самараси бўлиб, пировардида енгил саноат тармоғининг жадал ривожланиши, иқтисодиётимиз тобора мустаҳкамланишига хизмат қилаяпти.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**







Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

# МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Анжуман қатнашчилари 2013 йилнинг 1 январидан бошлаб тадбиркорлик субъектларига даъво аризалари ва илтимосномаларни хўжалик судларига бериш тартиб-тамойилларини, ўз хоҳишларига кўра, электрон шаклда амалга ошириш ҳуқуқи берилгани соҳа ривожида айни муддао бўлаётганлигини қайд этишди. Натижада тадбиркорлик субъектлари нафақат ўз мурожаатларини хўжалик судларига электрон шаклда юбориш имконига эга бўлишди, балки суд ҳужжатларини ҳам шу тартибда қабул қилиб олишмоқда.

2013 йил октябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги Қонун ҳам соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди.

Мазкур Қонун билан айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, Хўжалик процессуал кодексига тадбиркорлик субъекти ва давлат органлари, жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари ҳамда банклар ўртасидаги низолар бўйича ишларни кўриб чиқишда қонун ҳужжатларида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ юзага келадиган барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддият ва ноаниқликлар тадбиркорлик субъекти фойдасига талқин этилишини белгилайдиган норма киритилди.

Давра суҳбатида хўжалик судларида тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш каби қатор масалалар муҳокама қилинди.

Якунда кўрилган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ДАСТУР ИЖРОСИ — АМАЛДА

*Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча жабҳаларида туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бунда, аввало, олий мезон сифатида “Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, ислоҳот — инсон учун” тамойилига таянилаётгани аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилашга, ҳар бир шахс салоҳиятини рўёбга чиқаришга хизмат қилаётир.*

# АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

## нафақат устувор вазифа, балки асосий мақсадимиздир

Маълумки, нуфуснинг ҳаёт даражаси ва сифатига доир энг муҳим макроиқтисодий кўрсаткичлардан бири, бу — бандлик даражаси. Шу нуқтаи назардан қараганда, ҳар бир мамлакатда фуқароларнинг меҳнат билан бандлигига кўмаклашиш, унинг ўз фаровонлигини мустақил равишда таъминлаши учун барча шарт-шароитни яратиб бериш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Ушбу йўналишда Навоий вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси, унинг туман ва шаҳар бўлимларида янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ишлаб чиқилгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур дастурга мувофиқ, жорий йилда ҳудудда жами 41032 та иш ўрни яратиш кўзда тутилган эди. Шу мақсадда ўтган даврда инвестиция, маҳаллийлаштириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига асосан, янги объектларни ишга тушириш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш, кичик корхона, микрофирма ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини равнақ топтиришга алоҳида эътибор берилди. Айни чоғда уй меҳнатини йўлга қўйиш, ҳунармандчилик ва оилавий тадбиркорлик, чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик, мева-сабзавотчиликка ихтисослаштирилган фермер ва деҳқон хўжаликларини янада ривожлантириш юзасидан амалий чора-тадбирлар кўрилди. Бу саъй-ҳаракатлар натижасида эса қарийб 33 мингта иш ўрни очилди.

Шу билан бирга, аҳоли бандлигини таъминлаш учун тижорат банклари томонидан 243,3 миллиард сўмлик кредит ажратилиши туфайли 2012/2013 ўқув йилида касб-ҳунар коллежларини битирган 18011 нафар ўқувчидан 14426 нафарининг бандлиги таъминланди. Яъни улардан 13531 нафари ишга жойлашган бўлса, 895 нафари олий таълим муассасаларига ўқишга кирди.

Вилоят аҳолиси, хусусан, ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 9 ойи давомида ҳокимликлар, прокуратура, “Камолот” ЁИҲ, касб-ҳунар коллежлари ҳамкорлигида 30 маротаба бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилгани ҳам ўз самарасини берди. Пировардида бу тадбирларга 1270 та корхона ва ташкилот жалб этилиб, 1780 нафар фуқаронинг ишга жойлашишига эришилди.

Мухтасар айтганда, вилоятимизда меҳнат бозорини шакллантиришга бизнинг жамоамиз ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Зеро, Президентимиз томонидан бу борада белгилаб берилган устувор вазифалар ижросини таъминлаш — асосий мақсадимиздир.

**Ҳамид ЖУМАЕВ,**
**Навоий вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи.**

СУРУР

*Мен ташаббуслари қўллаб-қувватланиб, рағбат топаётган минглаб ёшлардан бири эканлигимдан ғурурланаман. Бундан уч йил муқаддам Боёвут тумани ҳокимлиги қарори билан фермер хўжалиги ташкил этиб, уни “Шабнам-нурли замин” деб номлаган эдик.*

# Изланиш, ташаббус, қатъият!

Бизга 60 гектар ер майдони ажратиб берилди. Ўша йили беш нафар миришкор деҳқон, ўн нафар ўзим қатори коллеж битирувчиси билан иш бошладик. Биринчи йилдаёқ деҳқончилигимиз ёмон бўлмади. Ғалла ҳам, пахта ҳам мўл бўлди. Кўзланган маррага эришиб, орттирган даромадимиздан битта ҳайдов трактори сотиб олдик. Ўтган йили эса лизинг асосида ўн йил муддатга чопиқ тракторини харид қилдик. Иш қуролимизнинг созлиги, фермер хўжалиги аъзоларининг самарали меҳнатлари туфайли ҳар йили ғалла ва пахта топшириш режамизни муваффақият билан бажараяпмиз. Оиламиз фаровон, рўзғоримиз бут.

Мамлакатимизда ташаббускор, иқтидорли ёшларга берилаётган эътибор, яратилаётган кенг имкониятлар уларни янгидан-янги ташаббусларга чорлаяпти, десак, муболаға бўлмайди. Ўзимдан мисол, ўтган йили “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ташкил этилган “Ёш тадбиркор — юртга мададкор” танловида иштирок этиб, 20 миллион сўмлик имтиёзли кредитга эга бўлдим. Ушбу маблағ чорвачилик соҳасини ташкил қилишимга туртки бўлди. Ҳозир 60 гектар ерда деҳқончилик баробарида, 30 бош қорамолни ҳам парвариш қилаяпмиз. Қувонарлиси, Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган “Ташаббус — 2013” кўрик-танловининг вилоят босқичида фахрли иккинчи ўринни эгалладим. Яқинда эса “Ватаним тараққиётига менинг ҳиссам” шиори остида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши сингари бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган кўргазмада иштирок этиб, “Энг намунали ёш фермер” номинацияси ғолиблигини қўлга киритдим.

Асосий Қонунимиз байрами куни арафасида Президентимизнинг Фармони билан юқори натижаларга эришган бир гуруҳ иқтидорли ёшлар қаторида “Шуҳрат” медали билан тақдирландим. Бу мени ва сафдошларимни янгидан-янги ташаббусларга ундовчи рағбат ва масъулиятдир. Ишонтириб айтаманки, биз, ёшлар мустақил мамлакатимиз равнақига, юрт ободлиги ва фаровонлигига ўз меҳнатимиз ва муваффақиятларимиз билан муносиб ҳисса қўшаверамиз.

**Гулчеҳра ЖЎРАЕВА,**
**Сирдарё вилояти, Боёвут туманидаги «Шабнам-нурли замин» фермер хўжалиги раиси, «Шуҳрат» медали соҳибаси.**

# ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ АСОСИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг инновацион ишланмаларини молиялаштириш миқдори ва ҳажми 6 мартадан зиёд, экспорт қилинадиган илмий ҳажмдор маҳсулотлар ҳажми эса 3 марта, яъни аввалги йиллардагига нисбатан қарийб 5 баробар ортди. Олимларимизнинг ишланмаларига берилган патентлар сони кўпайиб, бунга мос равишда лицензиялаш жараёнлари фаоллашди. Президентимизнинг “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, ҳар йили инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларнинг республика ярмаркаси ўтказиб келинмоқда.

Бўлиб ўтган олтита ана шундай ярмаркада мамлакатимиз корхона ва ташкилотлари билан Фанлар академияси муассасалари томонидан яратилган илмий маҳсулотларни ўзлаштириш ва улардан фойдаланиш бўйича умумий қиймати 54 миллиард сўмдан зиёд 600 дан ортиқ шартнома ҳамда аҳдлашув шартномаси тузилди. Ушбу ярмаркалар илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашув жараёнини жадаллаштириш, Фанлар академиясининг инновацион ишланмаларини “Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг компанияси, “Ўзкимёсаноат”, “Ўзфармсаноат” ва “Ўзбекэнерго” давлат-акциядорлик компаниялари, Навоий ва Олмалиқ конметаллургия комбинатлари, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг вилоят бошқармаларида жорий этиш имконини берди.

Мамлакатимизни барқарор инновацион ривожлантиришга оид устувор вазифаларни ҳал этиш мақсадида мустақиллик йилларида давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Фанлар академиясида қатор янги муассасалар ташкил этилди. Ген технологиялари ёрдамида пахта, буғдой ва бошқа экинларнинг янги навларини яратишга хизмат қилаётган Генетика институти ва идораларaро Геномика ва биоинформатика маркази, юқори ҳароратда соф ҳамда ўтга чидамли материаллар ишлаб чиқариш учун 1000 кВт қувватли катта қуёш печига эга Материалшунослик институти, Ион-плазма ва лазер технологиялари институти, Ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди институти, Халқаро қуёш энергияси институти, шунингдек, янги ташкил этилган Хоразм Маъмун академияси ва бошқа илмий муассасалар шулар жумласидандир. 60 мингдан зиёд қадимги қўлёзмалар, тошбосма китоблар ва ҳужжатлар сақланаётган Шарқшунослик институти фондини алоҳида таъкидлаш керак. У илмий аҳамиятига кўра, Шарқ қўлёзмалари тўпланган дунёдаги энг бой фонд бўлиб, ЮНЕСКОнинг жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган.

Табиийки, соҳага қаратилаётган юксак эътибор туфайли олимларимиз томонидан бир қатор муҳим илмий натижалар қўлга киритилмоқда. Жумладан, Ўзбекистонда астрономлар томонидан биринчи марта Қуёш системасида янги кичик сайёра кашф этилиб, унга Халқаро астрономия уюшмаси, давлатимиз раҳбари таклифи асосида, “Самарқанд” номини берди. Япониялик олимлар томонидан кашф этилган 22948-кичик сайёра-астероидга Халқаро астрономия уюшмаси Ўзбекистонда жойлашган машҳур астрономик обсерватория шарафига “Майданак” номини бергани ҳам мамлакатимиз академик илм-фанининг халқаро нуфузидан далолат беради. Шунингдек, илк бор замонавий супрамолекуляр кимё соҳасида полиморф клатрат бирикмаларининг тузилиши билан ҳосил бўлиш ҳарорати ўртасидаги боғлиқликни тушунтириб берувчи қонуният кашф этилди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Фанлар академияси янгиланиш йўлини босиб ўтди, қатор ютуқларга эришди ва халқаро эътирофга сазовор бўлди. Чунончи, Фанлар академияси муассасаларининг жаҳондаги йирик илмий марказлар билан тўғридан-тўғри илмий алоқалари тенглик ва ўзаро манфаатдорлик асосида сезиларли равишда кенгайиб бормоқда. Хитой, Жанубий Корея, Япония, АҚШ, Франция ва Германиядаги илмий марказлар ва институтлар билан ҳамкорлик самарали ривожланаётир. Масалан, 2006 — 2012 йилларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси икки томонлама илмий ҳамкорлик тўғрисида 16 халқаро шартнома тузиб, уларни амалга оширмоқда, унинг илмий муассасалари эса дунёнинг турли давлатларидаги илмий ташкилотлар, марказлар, университетлар ва музейлар билан ҳамкорлик тўғрисида қирқ бешдан зиёд халқаро шартнома ижросини таъминлашда иштирок этмоқда.

Энг муҳими, қўлга киритилаётган муваффақиятлар юртимиз иқтисодиёти ривожига, маънавий оламимизни янада бойитишга муносиб ҳисса қўшмоқда. Бу эса олимларимизни ҳамиша изланишга, янгилик яратишга ундаб, юртимиз куч-қудрати, ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини юксалтиришдек эзгу ва олижаноб мақсадлар сари руҳлантирмоқда.

**Бахтиёр ИБРАГИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Бош илмий котиби.**

# Илмий нашрлар тақдимоти

**Темурийлар тарихи давлат музейида Халқаро Марказий Осиё тадқиқотлари институтининг 2008 — 2013 йиллардаги илмий нашрлари тақдимоти бўлиб ўтди.**

ТАДБИР

ЎзФА илмий тадқиқот институтлари олимлари, мазкур илмий муассаса таъсисчилари бўлган давлатлар, хусусан, Озарбайжон, Эрон, Хитой, Қозоғистон, Корея Республикаси, Покистон вакиллари иштирок этган ушбу тадбирда мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида миллий, маънавий қадриятлар, буюк аждодларимиз номини тиклашга, тарихимизни холис ва чуқур ўрганишга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги эътироф этилди. Аждодлардан мерос маънавий бойликни тадқиқ этиш, ўрганишда юртимизда фаолият юритаётган илмий тадқиқот институтларининг алоҳида ўрни бор.

Биласиз, Буюк Ипак йўли жаҳон тарихи ва маданияти тараққиётида етакчи ўринни эгаллаган. ЮНЕСКО шафелигида 1995 йилда ташкил этилган Халқаро Марказий Осиё тадқиқотлари институти эса айнан Марказий Осиё мамлакатларининг маданий меросини ўрганадиган илмий марказлардан биридир.

Эътироф этиш жоизки, ўтган вақт мобайнида институт ташаббуси билан Марказий Осиё минтақаси тарихи ва маданиятини ҳар томонлама ўрганиш билан боғлиқ ўн бешга яқин кенг кўламли халқаро илмий лойиҳа амалга оширилган. Уларнинг натижалари элликдан зиёд нашрда эълон қилинган. Қолаверса, “Халқаро Марказий Осиё тадқиқотлари институти ахборотномаси” илмий нашри ҳам мунтазам чоп этиб келинаётир. Ташкил қилинган ўн саккиздан зиёд назарий семинар, халқаро ва минтақавий илмий конференцияларда эса Марказий Осиёдан, шунингдек, Франция, Германия, Голландия, Буюк Британия, Хитой, Корея Республикаси, Озарбайжон ва бошқа давлатлардан олимлар қатнашди.

— Мамлакатимизнинг XVIII-XIX асрлардаги тарихи кам ўрганилган давр ҳисобланади, — дейди ЎзФА Шарқшунослик институти катта илмий ходими Нурёғди Тошев. — Шу боис Халқаро Марказий Осиё тадқиқотлари институти билан ҳамкорликда мазкур даврга оид тарихий ва илмий манбалар ўрганилди. Уларда ўша давр давлатчилиги, маданий ҳаёти, турмуш тарзига доир ғоят қимматли маълумотларни учратиш мумкин.

Тадбирда Самарқанд тарих, санъат ва археология давлат музейи фондларининг Марказий Осиё тарихи бўйича ҳужжатлари каталоги, “Буюк Ипак йўлидаги Марказий Осиёнинг машҳур археологик ёдгорликлари”, “Сўзана: Марказий Осиёнинг анъанавий каштаси”, тўрт жилдли “IX-XIV асрларда Марказий Осиё ва Озарбайжон бадиий маданияти” каби муҳим нашрлар тақдим этилди.

**М. ХОЛМАТОВА.**

ИНТИЛИШ

*Асака шаҳридаги ўн битта кўп қаватли уйда истиқомат қилаётган олти юздан ортиқ хонадон эгаларининг электр ҳисоблагичлари шаҳар электр тармоқлари корхонасига ўрнатилган компьютерлар орқали бошқариладиган бўлди.*

# Масофадан туриб назорат қилинади

Уларнинг хотирасига мижозларнинг мобиль телефон рақамлари ҳам киритилди. Бу эса мижозни SMS орқали қарздорлик ҳақида огоҳлантириш имконини беради. Қолаверса, истеъмолчи электр ҳақи учун тўловни “Пайнет” шохобчаси орқали амалга ошириши мумкин.

Эътиборлиси, шу кунга қадар вилоятда 7800 та юридик шахс ихтиёридаги 8691 ҳисоблагич мазкур тизимга уланиб, уларнинг электр энергияси сарфи масофадан туриб назорат қилинмоқда.

**Саидаҳмад ШУКУРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.**

# «LexUz»нинг янги тизими

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Адлия вазирлиги мазкур Миллий базани яратиш ва сақлашни ташкил қилиш, юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг ундан белгиланган тартибда фойдаланишини таъминлашга масъул бўлиб, ўтган йиллар давомида ушбу ахборот тизимини такомиллаштириш ва қулай тарзда ишлашини ташкил этишга қаратилган бир қатор ишлар бажарилди.

Бугунги кунда “LexUz” тизимида ўзбек ва рус тилларида 1990 йилдан ҳозирги кунга қадар қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари, кодекслари, фармонлар, қарорлар, фармойишлар, Олий Мажлис палаталари қарорлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда идораларнинг норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлари, Конституциявий, Олий, Олий хўжалик судлари қарорлари, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ҳамда техник тусдаги бошқа ҳужжатлар мавжуд.

— “LexUz” янги тизимининг афзаллиги шундаки, ҳужжатларни излаш шакли тубдан кўриб чиқилиб, ўзгартириш киритилди, — дейди Адлия вазирлиги масъул ходими Улуғбек Маҳмудов. — Хусусан, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳужжатлари, халқаро шартномалар, техник тусдаги, суд амалиёти ҳужжатларини алоҳида излаш шакллари жорий қилинди.

Бундан ташқари, ҳужжат тури, қабул қилган ташкилот ва йиллар кесимида тезкор излаш имконияти яратилди ҳамда кўп кўрилган ҳужжатлар рўйхати, ҳужжатлар тўплами, янги қабул қилинган ҳужжатларга электрон почта орқали обуна бўлиш кабилар ҳам киритилди. Айни чоғда мазкур сайтга қарийб 28 мингга яқин ҳуқуқий ҳужжатлар жойлаштирилган. Унга ҳар куни 6 мингдан зиёд фойдаланувчи ташриф буюриб, ўзлари учун зарур маълумотларга эга бўлмоқда.

Анжуманда Миллий базанинг келгусидаги режалари, таълим муассасаларида ундан фойдаланиш қоидалари, кўп мурожаат қилинадиган ҳужжатлар рўйхати ҳамда маълумотларни тегишли мутахассисларнинг шарҳлари асосида янада бойитиш борасида белгиланган вазифалар юзасидан бир қатор таклиф ва тавсиялар билдирилди.

**Зиёда АШУРОВА.**

ЖАҲОН 24 соат ичида

*“Boeing” самолётсозлик концерни инвесторлардан ўз акцияларини қайтариб олишини маълум қилди.*

## Акцияларини қайтариб олади




“Евроньюс” телеканали хабарига қараганда, бу мақсадлар учун ўн миллиард евро миқдорида маблағ йўналтириш кўзда тутилган. Режага кўра, қимматли қоғозларни сотиб олишга келаси йили киришилади. Бундан ташқари, авиаконцерн дивидендлар миқдорини 50 фоиз оширади.

Изоҳланишича, “Boeing” яқин келажакда катта иқтисодий кўрсаткичга эришиши кутилмоқда. Шу боис ана шундай йўл тутишга қарор қилинган.

Бу хабар тарқалиши билан компаниянинг акциялари икки фоиз қимматлашди.

## Илк бор қайд этилди

*Хитойда “H10N8” гриппи билан боғлиқ биринчи ҳолат қайд этилди.*



Касаллик мамлакатнинг Цзянси музофотида яшаган 73 ёшли аёлда аниқланган. У шу йилнинг декабрь ойи бошида ҳаётдан кўз юмган эди. Ўшанда қариянинг ўлимига нима сабаб бўлгани аниқланмаган. Узоқ давом этган таҳлиллардан сўнг у “H10N8” вируси туфайли вафот этгани маълум бўлди.

Мутахассисларнинг сўзларига қараганда, “H10N8” парранда гриппининг янги формаси ҳисобланади.

## Ношир ҳам «рекорд»чи

*“Bloomberg” агентлиги Гиннеснинг рекордлар китоби ношири Жим Паттисонни Канаданинг энг бой одами, деб топди.*




Агентлик экспертларининг фикрича айни пайтда “Jim Pattison Group” тижорат компаниясига эгалик қилаётган бу ишбилармоннинг умумий капитали 9,5 миллиард АҚШ долларига тенг экан.

Паттисон компанияси таркибига турли соҳаларда фаолият олиб борувчи учта муассаса киради. Улардан энг йириги эса “Guinnes World Records” ҳисобланади.

Тадбиркор бунга муносабат билдириб, бундай статистика маълумотлари уни қизиқтирмаслигини айтиб ўтган.

## Шифохонадаги кўнгилсизлик

*АҚШнинг Невада штати Рино шаҳрида қуролланган шахс тиббиёт муассасасига бостириб кириб, одамларни ўққа тутди, дейилади “Associated Press” ахборот агентлиги хабарида.*



Оқибатда бир киши воқеа жойида ҳаётдан кўз юмган, яна икки киши тан жароҳати олган. Жароҳатланганлардан бири тиббиёт муассасаси шифокори экани айтилмоқда. Отишма юз берган вақтда шифохонада 100 нафар одам бўлган.

Ҳозирча босқинчининг шахси ҳамда уни бу қабиҳликни амалга оширишга нима мажбур қилгани аниқланганича йўқ.

Воқеа юзасидан ҳуқуқтартибот идоралари вакиллари суриштирув ишларини олиб бормоқда.

Мазкур тиббиёт муассасаси Рино шаҳридаги энг йирик иш берувчи ташкилот ҳисобланиб, ходимларининг умумий сони 2750 кишини ташкил этади.

## Дастлабки финалчи маълум

*Марокашда футбол бўйича клублар ўртасида давом этаётган жаҳон чемпионати ҳал қилувчи паллага кирди.*

Куни кеча мусобақанинг ярим финал босқичидаги дастлабки ўйин бўлиб ўтди. Унда Германиянинг “Бавария” клуби Хитойнинг “Гуанчжоу” жамоасини 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, финалга йўл олди. Голлар Франк Рибери, Марио Манжукич ва Марио Гётце томонидан киритилди.

Иккинчи ярим финал баҳсида маҳаллий “Ража Касабланка” клуби Бразилиянинг “Атлетико Минейро” жамоасига қарши баҳс олиб боради.



*Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.*

● Реклама ва эълонлар ●

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

*бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.*

Аукцион савдосига Олмазор тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 16 декабрдаги 1109/18375-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорақамиш 1/2 даҳаси ҳудудидаги савдо марказида жойлашган «Tehnotrastplus» МЧЖга тегишли, Е, Н, М, О, П блоклардан иборат, умумий майдони 1849 кв.м. бўлган савдо маркази такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 1 876 800 750 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 6 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 3 январь куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй.
Телефон: (8-371) 228-79-52. www.1kms.uz**

*Лицензия: RR-0001.*

2089R/1453

*Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитаси*

**МИЛЛИЙ КИНОЛОГИЯ МАРКАЗИ**

**ҳудудида жойлашган стадионни капитал таъмирлаш ва хизмат итлари питомниги, ветеринария хизмати ҳамда назоратдан ўтказиш пункти биноларини жорий таъмирлаш ишлари бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаб берувчи лойиҳалаштириш ташкилотларини танлаш юзасидан танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади.**

*Танлов ҳужжатлари тўпламини ваколатли қатнашувчилар қуйидаги манзилдан олишлари мумкин:*
**Тошкент шаҳри, Сергели тумани,
Қипчоқ 2-тор кўчаси, 9-уй.
Маълумот олиш учун қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин:
(8-371) 257-74-99, 258-63-22.**

**Барча таклифлар Миллий кинология марказининг юқорида кўрсатилган манзилида эълон чоп этилган санадан бошлаб 15 кун муддат ичида қабул қилинади.**

1898A/1039

«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

томонидан газетанинг 2013 йил 17 декабрь кунидаги 246-сонида оммавий оферта савдосига қўйиш тўғрисидаги эълон матнида савдо кунларини белгилашда техник хатога йўл қўйилганлиги сабабли **«2014 йил 9, 16, 23, 30 январь ва 6 февраль»** кунлари **«2013 йил 19, 23, 27, 30 декабрь ва 2014 йил 2 январь»** кунлари билан алмаштириб ўқилсин.

2093R/1206

**«ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ»
МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИ
ЯНГИ ЙЎНАЛИШЛАР ОЧМОҚДА!**

O'ZBEKISTON havo yo'llari

**ТОШКЕНТ – ВОЛГОГРАД – ТОШКЕНТ**
*ҳар ҳафтанинг чоршанба кунлари*

**УРГАНЧ – ВОЛГОГРАД – УРГАНЧ**
*ҳар ҳафтанинг шанба кунлари*




Сертификат № СЭ1-О

**+99871 140-02-00**
www.uzairways.com

*«Ўзбекистон ҳаво йўллари» — хавфсизлик, барқарорлик, қулайлик!*

1916R/966

**«Тошкент труба заводи» ҚК**



**ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотади.**
(нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган).



**Сув ва газ ўтказувчи қувурлар —** ГОСТ 10705-80, Ø 15 — 114 мм., баҳоси 1 тонна учун 3 250 000 сўмдан бошлаб.

**Газ ва нефть ўтказувчи қувурлар —** ГОСТ 20295-85, Ø 159 — 337 мм., баҳоси 1 тонна учун 3 500 000 сўмдан бошлаб.

**Квадрат кесимидаги пўлат қувурлар —** ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20х20, 25х25, 30х30, 40х40, 50х50, 60х60, 80х80, 100х100, 150х150, 170х170.

**Тўғри бурчак кесимидаги пўлат қувурлар —** ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30х20, 40х25, 50х25, 30х60, 40х60, 40х80, 50х100, 60х80, 60х100, 80х120, 80х150, 60х125. Девор қалинлиги 1,0 — 4,0 мм., баҳоси 1 тонна учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

Бундан ташқари, қўшма корхона «API-5L» стандарти бўйича ишлаб чиқарилаётган Ø 325 мм.дан Ø 1620 мм.гача, деворининг қалинлиги 6,0 — 24,0 мм.гача бўлган, электрпайвандланган, спирал чокли қувурларни харидорларга таклиф этади. Баҳоси — 1 тонна учун 3 950 000 сўм.

1665R/956

**МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.**

**Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.**

**«SN INVEST» компанияси**
**қуйидагиларни етказиб беради:**

- ғўзапоя ўрадиган комбайн
- ўт ўрадиган комбайн
- макка ўрадиган комбайн
- жўхори йиғувчи комбайн
- КИР 1,5 ўт майдалаш мосламаси
- пресслайдиган мослама
- сомон йиғувчи мосламалар
- тракторлар
- боғ ва ферма учун тракторлар
- гусеницали тракторлар
- картошка терадиган комбайн
- картошка экадиган комбайн
- буғдой экадиган сеялка
- дори сепадиган мосламалар
- сачратиб суғорувчи мосламалар
- ем майдалаб тарқатувчи техника
- культиваторлар
- плуг, айланма плуг, дискали плуг
- юкловчи экскаватор, бульдозер



*Маҳсулот сертификатланган.*

**Tel.: (+99871) 150-58-58, 150-69-69. www.sninvest.uz E-mail: info@sninvest.uz**

87R/43



ФАХР

*Тарих саҳифаларида “Обод турмуш йили” деб қайд этилган 2013 йил ҳам охирлаб бормоқда. Фақат шуни эмас, ўтган йигирма икки йил давомида кўз олдимизда рўй берган тарихий ўзгаришларни бир-бир кўнгил кўзгусидан ўтказиб, мушоҳада қилсак, халқимизнинг озод Ватанда обод турмуш тарзига эришиши учун асрларга татийдиган ишлар амалга оширилаётганини англаймиз.*

# Обод турмуш шукуҳи

...Тақдир тақозосига кўра, ўттиз беш йилдан буён Марғилон шаҳри билан Тошкент орасида қатнайман. Ўтган асрнинг 80-йилларида илк бора Қамчиқ довонидан енгил машинада ўтгандик. Ўшанда ўнқир-чўнқир тош йўлнинг бир томони баланд тоғлар, қаршимиздан машина келиб қолса, “Ишқилиб, эсон-омон ўтиб олармиканмиз?” деб юраклар така-пука бўларди. Чунки тор йўлнинг иккинчи томони тик жарлик эди. Довондан тушиб, токи бирор туман ёки шаҳарнинг марказига етгунча, икки томон бир-бирига туташ пахтазорлар бўларди. Унда-мунда пастаккина лойсувоқ уйлар... Айниқса, кеч куздан баҳоргача бу жойлар ҳувиллаб, қорайиб ётар, кунлар исий бошлаганда тинка-мадори қуриган ерларда яшил гиёҳлардан олдин туз ялтирарди. Бугунги ёшлар учун бу манзара худди эртакдек таассурот қолдириши мумкин. Аслида, Фарғона водийси билан республикамизнинг бошқа вилоятларини боғловчи бу тоғ йўли асрлар давомида ана шундай хавфли эди.

Истиқлолнинг саодатбахш нурлари юртимизнинг барча ҳудудларига бирдек таралди. 1990 йилларнинг ўрталаридан бошлаб ана шу тоғ йўли, унинг икки тарафи кундан-кунга ўзгариб, янгилана бошлади. Инсоннинг орзулари рўёби учун имкониятлар очилса, эзгу ниятлар сари интилишлари рағбатлантирилса, чарчоқни ҳам унутади. Ҳали-ҳануз кўз олдимда: машинада “Тошкент — Фарғона” йўлининг янги довонидан ошиб борарканмиз, гўё кун билан туннинг фарқи қолмагандек эди. Қоронғи тушиб, алламаҳал бўлишига қарамай, довон равон ва ёп-ёруғ эди.

Бугун халқаро даражадаги магистраль йўлга айланган, Тошкент билан водийни боғлайдиган довон йўлидан туну кун қатнаётган машиналарнинг сон-саноғига етиб бўлмайди. Тўрт-беш қатор бўлиб сувдек равон сузиб бораётган машиналарнинг қарийб юз фоизи республикамизда ишлаб чиқарилган. Уларнинг қай бири йўловчиларни кўзлаган манзилига олиб бормоқда, қай бири саёҳатчиларнинг, муборак зиёратга отланганларнинг, илм йўлида изланаётганларнинг хизматида. Бу йўллар энди қалбларга зиё, хонадонларга қут-барака, ифодали қилиб айтганда, турмушимизга ободлик оқиб бораётган рамзий дарёга айланди.

Обод турмуш инсон қадрини улуғлашдан бошланди. Истиқлолимизнинг дастлабки йиллариданоқ Президентимизнинг оналар ва болалар саломатлигини тиклаш, турли юқумли касалликларнинг олдини олиш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтиришга қаратилган Фармон ва қарорлари қабул қилинди. Айни кунда қишлоқда яшайсизми ёки шаҳарда — фарқи йўқ: маданий, маиший, тиббий эҳтиёжингизни қондириш учун шарт-шароитлар етарли. Агар бугун 50-60 ёшли оналар: “Мен ҳомиладор бўлганимда, шифокорга кўриниш, битта қон таҳлилини қилдириш учун узоқда бўлган туман марказидаги аёллар маслаҳатхонасига, туғуруқхонага борганман” деса, бу гапга фақат катта ёшлилар ишонишади. Ўтган йигирма икки йиллик тарихимизнинг ҳар куни озод Ўзбекистон халқининг турмуши ободлашиб бориши учун зиналар қўйди. Иқтисодиёт, маърифат, тиббиёт, маънавият, илм-фан, маданият, спорт, ҳунармандчилик соҳасида дунё аҳли тан олиб турган муваффақиятларимизнинг илк куртаклари турмуши обод хонадонларда юз очди.

Бугунги кунда фан-техника, маданият, санъат, спорт, ҳунармандчилик, хуллас, ҳаётимизнинг барча соҳаларида ўз иқтидорини намойиш этаётган, янгиликлар яратаётган, юртимиз шарафини юксалтираётган ёшлар сафи йилдан-йилга кенгаймоқда. Уларни халқаро мусобақалар, беллашувлар, кўргазмалар ғолиби сифатида кўриш нафақат ўзимизга, дунё аҳли учун ҳам оддий ҳолатга айланиб бормоқда. Чунки оилада, мактабда, коллеж ва лицейларда, олий ўқув даргоҳларида фарзандларимиз комил инсон бўлиши учун шароитлар яратиш давлат сиёсатининг бош йўналишларидан бирига айланди.

Ўзбекистонда, шунингдек, турли соҳаларга оид халқаро миқёсдаги тадбирлар ўтказилиши анъана бўлиб қолди. Нега деганда, ҳар қандай даражадаги меҳмонни кутиб олишга имкониятларимиз етарли. Кўнгилга беихтиёр ифтихор туйғуси инади: “Дунё мамлакатлари билан барча соҳада тенгма-тенг қадам ташлаб, юксак мақсадларига дадил интилаётган Ватаннинг, халқнинг вакили бўлмоқ нақадар бахт!”

...Дарёлар ўтган йўлларини гулзору боғларга айлантириб, ризқ улашгани каби, қуёш нурлари борлиққа ҳаёт неъмати бўлиб сингигани сингари мустақиллик бугун ва келажагимизнинг ободлигини йилдан-йилга камолга етказаверади, албатта. Чунки амаллар ниятга боғлиқдир. Зеро, озод Ватанда обод кўнгил билан яшамоқ ҳам истиқлол берган энг улуғ неъматдир.

**Муҳтарама УЛУҒОВА,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими.**

# Битирувчиларга йўлланма

*Аҳоли бандлигини ошириш, айниқса, ёшларни иш билан таъминлашда жойларда ўтказилаётган меҳнат ярмаркалари муҳим аҳамият касб этмоқда.*

ЯРМАРКА

Наманган шаҳрида айни йўналишда ташкил этилган навбатдаги тадбир қатнашчиларига 1412 та бўш иш ўрни тавсия қилинди.

— Ярмаркада қатнашиб, бўлажак меҳнат жамоам — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг вилоят филиалида ишлаш учун йўлланма олдим, — дейди Наманган 1-тиббиёт коллежи битирувчиси Мадина Мирзаева.

Шу куни касб-ҳунар коллежларининг Мадина сингари 33 нафар битирувчиси ўз мутахассислиги бўйича муқим иш жойини аниқлаб олди. Умуман, тадбирда қатнашган 265 фуқаронинг 196 нафари 123 та корхона билан келишувга эришди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



ТАЪЛИМ

*Бухоро нефть ва газ саноати коллежидаги ўқув жараёни билан ота-оналар ва жамоатчилик вакиллари интернет тармоғи орқали танишиб бориш имконига эга бўлдилар. Шу мақсадда коллежда замонавий ахборот тизими жорий этилди.*

# Интернет орқали мониторинг

Мутахассисларнинг фикрича, мазкур тизим жуда кам маблағ сарфлаган ҳолда, таълим сифатини яхшилашга хизмат қилади. У ўқувчиларни вақтдан унумли ва мазмунли фойдаланишга, педагогларни эса ўз вазифаларига масъулият билан ёндашишга ундайди. Айни пайтда Бухоро шаҳридаги 15 та ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасида ана шундай ахборот тизими жорий этилган. Бундан ташқари, учта туманда жойлашган ўқув масканида ҳам тажриба тариқасида “Онлайн” режимида ишловчи электрон тизим ишлаб турибди.

Яқинда Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда барча вилоятлардан соҳа мутасаддилари Бухорога ташриф буюриб, бу борада тўпланган тажрибани ўрганишди. Таълим сифатини ошириш масалаларига бағишланган республика семинарида ушбу тизимни такомиллаштириш ва оммалаштиришга оид мулоҳазалар ўртага ташланди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Маданият хабарлари



***Самарқанд шаҳрида жорий йилнинг 14 — 16 декабрь кунлари “Камалак юлдузлари” республика болалар ижодиёти фестивалининг минтақавий финал босқичи ўтказилди.***

# Болалар ижодиёти

“Камолот” ЁИҲ, Халқ таълими ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирликлари томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда Сурхондарё, Қашқадарё, Сирдарё, Жиззах ва Самарқанд вилоятларида ғолибликни қўлга киритган 211 нафар иқтидорли ўғил-қиз мумтоз ва миллий чолғулар, қўшиқ, рақс, тасвирий ҳамда амалий санъат, шеърият, адабиёт йўналишлари бўйича ўз маҳоратларини намойиш қилдилар.

Фестиваль доирасида ёш рассомлар ва ҳунармандларнинг кўргазмаси, санъат намояндалари иштирокида турли маданий тадбирлар ҳам ўтказилди. Шунингдек, Самарқанддаги тарихий обидалар ва диққатга сазовор жойлар бўйлаб саёҳат ташкил этилди.

Якунда фестиваль ғолибларига ташкилотчиларнинг диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди. Таниқли санъаткорлар иштирокидаги гала-концерт эса қатнашчиларга хушкайфият бағишлади.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Иқтидорлилар учун имконият

***Сайхунобод туманидаги 8-болалар мусиқа ва санъат мактабининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Мазкур иншоотни барпо этишга 2,5 миллиард сўм йўналтирилди.***



Натижада замонавий меъморий ечимлар асосида қурилган ушбу муассасада ўқувчиларнинг мусиқа ва санъат сирларини пухта эгаллашлари учун барча шарт-шароит яратилди. Ҳозир бу ерда иқтидорли болаларга мусиқа ва санъатнинг саккиз тури бўйича сабоқ берилаяпти.

Эслатиб ўтамиз, таълим маскани қошидаги “Сайхун садолари” ашула ва рақс ансамбли нафақат вилоят, балки республикамиздаги таниқли болалар ижодий жамоаларидан бири саналади. Хусусан, 2012 йилда бўлиб ўтган республика танловида “Зарб” ансамблининг ёш доирачилари учинчи ўрин соҳиби бўлган.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Тасвирларга кўчган туйғулар

***Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида рангтасвирчи рассом Намоз Султоновнинг “Самарқанд оҳанглари” номли кўргазмаси иш бошлади.***

Кўргазма экспозициясида унинг турли даврларда ишланган 50 дан ортиқ энг сара асарлари ўрин олган. Айниқса, “Самарқанд кашталари”, “Гулистон”, “Бибихоним”, “Оналик туни”, “Обираҳмат”, “Қорақамиш тонги”, “Автопортрет”, “Сумалак”, “Шоҳи Зинда”, “Орол” ва “Алишер Навоий” каби ижодий ишлари томошабинда ажиб завқ уйғотади.

Мўйқалам соҳибининг бетакрор асарлари нафақат юртимиз, балки бир қатор хорижий мамлакатлар, жумладан, Япония, Жанубий Корея, Франция, АҚШ, Россия, Италия, Германия ва бошқа давлатлар музейларида ҳам сақланмоқда.

**Моҳира АДИЗОВА.**

# Фотосуратларда ҳаёт манзаралари

***Тошкент фотосуратлар уйида ёш ижодкорларнинг “Бизнинг ҳаётимиз — фотосуратларда” деб номланган кўргазмаси очилди.***

Қарийб етти йилдан буён Ўзбекистон Бадиий академияси Тошкент фотосуратлар уйи қошида ижодий фотография мактаб-студияси фаолият олиб бормоқда. Мазкур даргоҳда бугунги кунга қадар кўплаб истеъдодли фоторассомлар етишиб чиқдики, айни пайтда улар турли жабҳаларда ўз фаолиятини давом эттирмоқда. Павел Ким, Султонбой Деҳқонов, Умида Абдураззоқова, Гузаля Ахмедшина сингари фотосанъат усталари ҳам ушбу мактаб-студия талабаларидир.

Кўргазмада мазкур даргоҳнинг 25 нафар битирувчисининг она-табиатимиз, осориатиқаларимиз ва замондошларимиз сиймоси акс эттирилган икки юзга яқин ижодий ишлари ўрин олган.

**Гўзал РАҲМОНОВА.**

• Реклама ва эълонлар •







Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1254. 74 560 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.40 Топширилди — 21.30 1 2 3 4 5